

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Инглиз филологияси факультети

Инглиз тили тарихи ва грамматикаси кафедраси

ИСАЕВ АЛИШЕР БОРАТОВИЧ

(4 ўзб 08)


МАВЗУ: ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА АГРЕССИВЛИКНИ
АНГЛАТУВЧИ СЎЗ БИРЛИКЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ

Мутахассислик - 5220100

Илмий раҳбар: Саримсоков С.Ш.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

БМИ Инглиз тили тарихи ва грамматикаси
кафедраси мажлисида
муҳокама қилинди ва ҳимояга
тавсия этилди. Баённома № 10
2012 йил "31" май



Кафедра мудирининг



ф.ф.н. Мирсанов Ф.Қ.



Самарқанд - 2012

Сам ДЧТИ инглиз филологияси факультети 4 курс 08- гуруҳ талабаси Исаев Алишернинг “Инглиз ва ўзбек тилларида агрессивликни англатувчи сўз бирликлари типологияси” мавзуси бўйича ёзилган битирув малакавий ишига

Такриз

Мазкур битирув малакавий ишда инглиз ва ўзбек тилларида агрессивликни англатувчи сўз бирликлари типологияси кўриб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг структуравий кўриниши қуйидагича: кириш, 2 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида БМИнинг долзарблиги, ундан кўзланган мақсад ва вазифалар, илмий янгилиги, предмети, методи, назарий ва амалий аҳамияти ва химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар ўрин олган.

Талаба Исаев Алишер инглиз ва ўзбек тилларида агрессивликни англатувчи сўз бирликлари типологияси мавзусида ҳар иккала тилда яъни инглиз ва ўзбек тилларидаги берилган мисолларни ишлатилиш ҳолатларини кўрсатиб ўтади. Ушбу ишни баён қилишда у кўплаб инглиз ва ўзбек тилшунос олимларнинг ишларини ўрганиб чиқиб, улардан яхши фойдалана билган. Муаллифнинг ишни бажаришда мантиқийлиги, масалалар таҳлиliga ижодий ёндашуви, уни расмийлаштиришдаги тартиблилиги, фикрларни баён қилишдаги лўнда фикр юритилганлиги ишни чин юракдан бажарганлигини кўрсатади. БМИ содда ва равон тилда ёзилган.

Ишни “аъло” баҳолайман ва химояга тавсия этаман.

Такризчи:

Инглиз тили фонетикаси кафедраси мудирини: **ф.ф.н Шерматов А. А.**


TASDIQLANGAN
SamDCHTI FADRLAR
BO'LUMI BOSHCHISI



СамДЧТИ инглиз филологияси факультети 4- курс 08 – гуруҳ талабаси
Исаев Алишернинг “Инглиз ва ўзбек тилларида агрессивликни ифодаловчи
сўз бирликлари типологияси” мавзусидаги битирув малакавий ишига

МУЛОҲАЗА

Талаба Исаев Алишернинг ушбу битирув малакавий иши инглиз тилидаги агрессивликни ифодаловчи сўз бирликлари таҳлили мавзусига бағишланади.

Инглиз ва ўзбек тилида агрессивликни ифодаловчи сўз бирликлари Алефиренко Н.Ф. Антепова А.А. Апресян Ю.Д. Бабушкен А.П. Валиулина С.В. каби муаллифларнинг илмий ишларида атрофлича ёритилган.

Талаба Исаев Алишер ўз таҳлили жараёнида агрессивликни ифодаловчи сўзларни таҳлил қила туриб, уларни от, феъл, олмош ва сифатдош турларига ажратади ва шу билан бирган уларни моделлаштирилади. Тадқиқот иши кириш, икки боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот иши учун Василюк Ф.Е. Васильев Л.М. Вежбицкая А. Воркачев С.Г. Гак В.К. Гайсина Р.М. Грекова В.Е. каби муаллифларнинг ишлари асос қилиб олинган.

Талаба Исаев Алишернинг “Инглиз ва ўзбек тилларида агрессивликни англатувчи сўз бирликлари типологияси” мавзусидаги битирув малакавий иши талабларга жавоб беради ва уни ҳимоя қилиш тавсия этса бўлади деб ҳисоблайман.

Инглиз тили тарихи ва грамматикаси кафедраси

ўқитувчиси:


С.Ш.Саримсоқов
ASO'DIN KURSI
SamDChTIFAKULLAR
BO'LINMASHI

С.Ш.Саримсоқов



Мундарижа

Кириш.....	4
I. БОБ. Концептология ва унинг назарий асослари.....	8
1.1. Концепт ва унинг ўрганиш объекти.....	10
1.2. Концепт лингвокултурологик категория сифатида.....	11
1.3. Агрессия концепти ва унинг вербаллашуви.....	15
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	18
II. БОБ. Агрессиянинг ифодаланиш структураси.....	20
2.1. Агрессив сўз бирликлари.....	21
2.2. Агрессивликни англатувчи бирликларнинг структураал ва семантик реализацияси.....	30
2.3. Агрессивликнинг прагматик асослари ва унинг концептуаллашуви	
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	41
Хулоса	62
Фойдаланилган адабиётлар.....	65

КИРИШ

Мазкур битирув малакавий ишимиз инглиз тилидаги агрессивликни-ифодаловчи сўз бирликларини қиёсий таҳлил этишга бағишланган. Ушбу ишда агрессив маънони ифодаловчи сўз ва сўз бирликларининг когнитив жиҳатлари таҳлил этилган.

Тадқиқотнинг долзарблиги. тилшуносликда, янги йўналишлар пайдо бўлди, жумладан психолингвистика, лингвокултурология, когнитив тилшунослик ва бошқалар. Хусусан когнитивлик тилшуносликнинг лексик сатҳида таҳлил этилишни бошлаб, ҳозирда грамматик структура, синтактика, семантика сатҳларида ҳам кенг тадқиқ этилмоқда. Шундай қилиб лексик бирликнинг когнитив нуқтаи назардан тадқиқ этиш жараёнида ва семантик-маъноларнинг ривожланишида когнитив тилшуносликнинг ўрнини белгилаш ҳам муҳим ўрин тутди. Шундай экан агрессивликни англатувчи сўз бирликларини когнитивлик жиҳатдан тадқиқ этиш мазкур масалани ҳал қилишда асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Айнан, инглиз ва ўзбек тиллари лингвокултурологик жиҳатлари когнитивлик билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш орқалигина мазкур тушунчаларнинг ички семантик маъноларни очиб беришда этнологик хусусиятларга эътибор қаратиш тиллар ва маданиятлар ўртасидаги ўзига хос жиҳатлари билан ҳам муҳим ўрин тутди. Тилшуносликда бирор-концептнинг тадқиқ этилиши мазкур концептларнинг функционал семантик майдонини ифодаланишига, унинг вербаллашувини аниқлашга қаратилади. Мазкур битирув малакавий ишимизда инглиз тилидаги агрессивликни англатувчи сўзлар таҳлили ва агрессивликни концепт сифатида семантик маъноларини тадқиқ этишда когнитив томондан ёндашилди ва бу каби ёндашув агрессивлик концептининг семантик маъноларининг ифодаланишида фақатгина лексема ёки гап доирасида эмас балки бутун ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ эканлиги очиб берилди. Бу каби таҳлил лексемаларининг семантик маъноларидаги очилмаган қирраларини

ёритишда ҳар бир этноснинг ўзига хос традициялари мавжудлигини очиб беришга ёрдам беради.

Битирув малакавий ишининг назарий аҳамияти. Мазкур ишда инглиз агрессивликни ифодаловчи сўзлар когнитив тилшунослик доирасида кўриб чиқилади. Шунингдек, ифодаланадиган агрессивлик концепт турлари аниқланди ва улар алоҳида системалаштирилди. Маълумки когнитив тилшунослик ҳам лингвокултурология ҳам тилшуносликнинг энг замонавий ва мунозаравий соҳаларидан бири ҳисобланади. Битирув Малакавий Ишимизда агрессивликни англатувчи сўз бирликлари семантик жиҳатдан гуруҳланди ва ясалиш структурасига кўра моделлаштирилди. Концептуал жиҳатдан эса келтирилган лексик бирликнинг бутун потенциални, вербаллашиш имкониятини очиб беришга ёрдам бераш билан бирга мазкур соҳани ўзига хос қонуниятларини чуқурроқ тушиниш имконини яратади

Тадқиқотнинг вазифалари. Ушбу битирув малакавий ишининг олдида кўйилган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- инглиз тилидаги агрессивликни ифодаловчи сўз бирликларини моделлаштириш орқали таҳлил қилиш.
- когнитив моделлар ёрдамида семантик маънолар ва уларнинг ифодаланиш усулларини аниқлаш.
- инглиз агрессивлик концептининг когнитивлик хусусиятларини ўрганиш.
- инглиз тилида “агрессивлик” концептининг лексик-грамматик моделларини тузиб чиқиш.
- агрессивлик концептининг лингвокултурологиядаги ижтимоий вазиятлар билан боғлиқ жиҳатларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объектига инглиз тилидаги агрессивлик концептининг когнитив ва лексик-семантик хусусиятлари.

Тадқиқотнинг материали сифатида инглиз тили изоҳли лўғатларидан тўпланилган агрессивликни англатувчи лексик бирликлар, ушбу лексик бирлик қўлланилган бадиий адабиётларидан йиғилган мисоллар асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг метадологик асоси қилиб Республикамиз президенти И.А. Каримовнинг Олий таълим тизимини яънада чуқурлаштириш борасидаги маъруза ва қарорлари ҳамда Вазирлар маҳкамасининг Олий таълим тўғрисидаги қарорлари, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва шунингдек мазкур соҳага катта ҳисса қўшган чет эл ва ўзбек тилшунослигидаги етук когнитив тилшунослари, тилшунос олимлари Ш. Сафаров, И.К. Мирзаев, Е.С. Кубрякова, R. Langacker, G. Lacoff R. Jackendoff бошқаларнинг ишлари асос қилиб олинган.

Тадқиқотнинг методи қилиб тушунчавий ва интерпретацион таҳлил, компонент таҳлил, контекстуал таҳлил методлари олинди.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув Малакавий Иш материаллари ва хулосалари инглиз тили соҳаси билан шуғулланувчилар ва когнитив тадқиқотларига бағишланган ишларда, ҳамда битирув малакавий иш материалларидан коллеж, лицей ўқувчиларининг амалий дарсларида қилишда манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг мақсади. Мазкур битирув малакавий ишининг олдига қўйилган асосий мақсад куйидагилардан иборат:

- инглиз тилидаги “агрессивлик” концептининг семантик маъноларни ўрганиш ва вербаллашиш жараёнини аниқлаш:

- инглиз тилидаги агрессивликни англлатувчи сўз birlikларини аниқлаш:

- инглиз тилидаги агрессивликни ифодаловчи сўз ва сўз birlikларини семантик моделларини тузиб чиқиш :

- инглиз тилидаги агрессивликни концепт сифатида ифодаланишини аниқлаш.

Инглиз тилидаги агрессивлик концептининг когнитив, ижтимоий ва лингвокултурологик нуқтаи назардан таҳлил этиш ва очиб беришга қаратилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- инглиз тилидаги агрессивликни англатувчи сўз birlikлари аниқланади ва уларнинг лексик-семантик маъноларига қараб гуруҳланади:
- инглиз тилидаги агрессивликни англатувчи сўз birlikларини бирикишига асосланиб моделлаштирилади:
- инглиз тилидаги “агрессивлик” концептининг семантик бирикаолиш имкониятлари аниқланади :
- агрессивлик концептининг турли ижтимоий статусларга қараб вербаллашуви таҳлил этилади.

Тадқиқотнинг синовидан ўтказилиши. Мазкур битирув малакавий иши мавзуси «Инглиз тили тарихи ва грамматикаси кафедраси»да тасдиқланган ва 2011 йил 26 августдаги №1 сонли кафедра йиғилишида муҳокамадан ўтган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши 66 бетдан иборат бўлиб, кириш, икки боб ва хулоса, фойдаланилган адабиётларидан ташкил топган.

Кириш қисмида битирув малакавий иши олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, мавзунинг долзарблиги, ишнинг назарий ва амалий қийматига асосланганлиги, ҳимояга қўйиладиган масалаларнинг умумий тавсифи ва таҳлил усули тўғрисида маълумот берилган.

Биринчи бобда когнитив тилшунослик ва унинг йўналишлари, ҳамда когнитивликнинг грамматиканинг лексик, морфологик, синтактик соҳаларига тадбиқ қилиниши, шунингдек когнитив тилшунослик ва лингвокултурологиянинг ўзига хос муаммолари ва назарий қарашлар ёритилган бўлиб, уч бўлимдан ташкил топган. Ишбетдан иборат.

I. БОБ. Концептология ва унинг назарий асослари

Тилшунослик психология, социология, маданиятшунослик каби соҳалар ҳамкорлиги когнитив фаолият асосида воқеалановчи ҳодисадир. Когнитив тилшунослик ҳам инсоннинг билиш фаолияти билан шуғулланувчи фанлар таркибига киради [17; 13].

Когнитив тилшунослик атамасининг мазмуни инглизча “cognitive-билишга оид” сўзи билан боғлиқ. Шундай қилиб когнитивлик тилшуносликда онг, тана, дунёдаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Когнитив жараёнлар бизнинг онгимизда, тана ҳаракатида ва шунингдек бизнинг ижтимоий ҳамда физик (жисмоний) дунёмизда намаён бўлади. Биринчи бўлиб философияда юзага келган когнитив фан ҳозирда инсоннинг билишга оид бўлган барча фан соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Шу жумладан тилшуносликда ҳам. Унинг марказида “тил-когнитивлик” бўлиб, у тилни когнитив нуқтаи назардан системали тадқиқ этишда фундаменталь муносабатда бўлади. Когнитив лингвистикада тил инсон когнициясининг (англаши) интегратив бўлаги сифатида қаралади.

Когнитив тилшунослик тилни когнитив инструмент, яъни белгилар системаси маълумотни трансформациялаш ва кодлаштиришда муҳим ўрин тутадиган объект сифатида ўрганиш билан шуғулланади [7; 53]. Когнитив тилшунослик мажмуавий тадқиқот йўналиши бўлиб, у тилшунослик ва психологиядан ташқари, сунъий интеллект назарияси, психолингвистика, нейролингвистика каби фан соҳаларига оид илмий ёндашувларни ҳам умумлаштиради. Маълумки нутқ бирликларининг ҳосил бўлиши ва уларнинг тушунилиши ақлий фаолият натижасидир. Бу фаолиятнинг бажарилиши бевосита лисоний билимга эга бўлиши шарт [17; 14].

Тилнинг ментал жараёнларидаги детерминация иккига ажратилади: тил инсон фикри (онги) маҳсулоти ва тил фикр (онг) инструменти.

Тил айна пайтда биологик ва маданий ҳодисалар билан ўзаро кириша оладиган ва таҳлил этиладиган объект ҳисобланади. Когнитив тилшунослик иккита катта йўналишга бўлинади: когнитив семантика ва когнитив грамматика. Когнитив семантика йўналиши тил нуқтаи назаридан ўрнатилган семантик структура ва уни онг орқали билиш билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади. Когнитив семантика билан шуғулланадиган тадқиқотчилар билимни маъноли конструкция нуқтаи назаридан таҳлил қилишади. Когнитив семантика тадқиқотлари лингвистик семантика тадқиқотларининг инсон онгида моделлаштириш орқали олиб борилади.

Концепт тушунчаси операцион фикр бирлиги бўлиб- у билимларни категоризациялаш ва квантификациялаш усули ҳисобланади. Унинг объекти менталь борлиқнинг белгиси бўлиб, маълум бир маънода абстракциялаш орқали юзага келади ва ўз объектини тасвирлаш билан бирга уни яратади ҳам [11,8].

Лингвокультурология тил ва маданият ўртасидаги мунособатни этник менталитетнинг тилда ифодаланиши ва амалга ошишини тадқиқ этади [28],[35, 75-102],[10]. Лингвокультурологиянинг асоси конкрет маданий концептларнинг семантик белгиларининг узига хос хусусиятларини системага солишга қаратилади.

Лингвистик тадқиқотларда қиёслаш эталонининг учта асосий методи шаклланди [14, 5-15] мазкур эталон қиёсланаётган тиллардаги хусусиятларнинг “маълум йўналишда таққосланиши” сифатида қабул қилиниши мумкин [37,70], ушбу эталон барча қиёсланаётган тилларнинг ўзига хос хусусиятларидан ташкил топиши мумкин ва ниҳоят у “метатил” [29] сифатида намоиш этилиши мумкин. Яъни тақосланаётган тил ва тил ҳодисалари назарий инвариант белгиларининг унверсал кўринишини ташкил этиши мумкин.

1.1. Концепт ва унинг ўрганиш объекти

Лингвокултурологик концептлар одатда “халқ кадрияти”ни акс эттирадиган ментал борлиқ, этник онг соҳибининг субъектив, ижтимоий, ақл гидрокини аниқлашга йўналган бўлади.

Лингвокултурологик концепт-бу онг ва маданиятни тил системасида комплекс ўрганишда фойдаланиладиган шартли ментал бирлик ҳисобланади [23, 75-80].

Тилнинг лексик системасини қиёсий тадқиқ этиш асосан маълум бир маъноли сўзларнинг лексик-семантик тизими ва ушбу тилларнинг лингвомаданиятида қай даражада акс этишини очиб беради.

Тилларнинг лексик тизимини қиёсий тадқиқ этишда бир маъноли лексик birlikларнинг қўлланилиш қонуниятлари ва “грамматик нутқ”нинг ҳосил бўлишида ҳар бир тилга хос бўлган маълум бир маъноларнинг функционал семантик вербаллашувига қаратилиши лозим (Гак 1977: 6–7, 10).

Этнокультурага хос бўлган лексик birlikларнинг контрастив тасвирланиши қиёсий лингвоконцептологияга тегишли бўлиб, ўз навбатида улар маълум этноснинг лингвоменталитетини акс эттирадиган, вербаллашган маъноларнинг лингвокултурологик концептларига боғлиқ равишда тадқиқ этилади. “Культура концепти” ва “лингвокултурологик концепт” атамаларини чалкаштириш одатий ҳол ҳисобланади. Чунки, “культура концепти” ўз тавсифига кўра культурологияга тегишли бўлиб, доимий вербаллашувни тақазо этмайди, балким ҳар қандай семиотик шаклда белги тимсолида учраши мумкин. “Лингвокултурологик концепт” эса ўз тавсифига кўра бевосита тил воситаларининг реализацияси билан боғлиқдир.

Тиллараро концептлар унверсалияси таққосланганда фақатгина семалар тартиби билангина эмас, балки улар тузилиши жиҳатдан ҳам фарқланади. Мазкур семалар концептуал блокларни ҳосил қилган ҳолда ўзаро таъсир қилади ва бунинг оқибатида концепт ўзининг этнокультуравий муайянликка

1.1. Концепт ва унинг ўрганиш объекти

Лингвокултурологик концептлар одатда “халқ кадрияти”ни акс эттирадиган ментал борлиқ, этник онг соҳибининг субъектив, ижтимоий, ақл гидрокини аниқлашга йўналган бўлади.

Лингвокултурологик концепт-бу онг ва маданиятни тил системасида комплекс ўрганишда фойдаланиладиган шартли ментал бирлик ҳисобланади [23, 75-80].

Тилнинг лексик системасини қиёсий тадқиқ этиш асосан маълум бир маъноли сўзларнинг лексик-семантик тизими ва ушбу тилларнинг лингвомаданиятида қай даражада акс этишини очиб беради.

Тилларнинг лексик тизимини қиёсий тадқиқ этишда бир маъноли лексик бирликларнинг қўлланилиш қонуниятлари ва “грамматик нутқ”нинг ҳосил бўлишида ҳар бир тилга хос бўлган маълум бир маъноларнинг функционал семантик вербаллашувига қаратилиши лозим (Гак 1977: 6–7, 10).

Этнокультурага хос бўлган лексик бирликларнинг контрастив тасвирланиши қиёсий лингвоконцептологияга тегишли бўлиб, ўз навбатида улар маълум этноснинг лингвоменталитетини акс эттирадиган, вербаллашган маъноларнинг лингвокултурологик концептларига боғлиқ равишда тадқиқ этилади. “Культура концепти” ва “лингвокултурологик концепт” атамаларини чалкаштириш одатий ҳол ҳисобланади. Чунки, “культура концепти” ўз тавсифига кўра культурологияга тегишли бўлиб, доимий вербаллашувни тақазо этмайди, балким ҳар қандай семиотик шаклда белги тимсолида учраши мумкин. “Лингвокултурологик концепт” эса ўз тавсифига кўра бевосита тил воситаларининг реализацияси билан боғлиқдир.

Тиллараро концептлар унверсалияси таққосланганда фақатгина семалар тартиби билангина эмас, балки улар тузилиши жиҳатдан ҳам фарқланади. Мазкур семалар концептуал блокларни ҳосил қилган ҳолда ўзаро таъсир қилади ва бунинг оқибатида концепт ўзининг этнокультуравий муайянликка

эга бўлади [11, 58], ушбу муайянлик маълум бир миллатнинг онгида маълум концептуал блок сифатида амалга ошади.

Тил бирликларида унинг соҳибларининг «наивная картина» [4, 56–60] си акс этиши асосланган ҳисобланади ва лексик семантика эса халқ тарихи, унинг дунёқараши ва психологияси, англаш фаолиятида этноснинг “идрок”ни намоёиш этади [18, 6].

1.2. Концепт лингвокултурологик категория сифатида

Тил тадқиқотларида “концепт” сўзининг пайдо бўлиши иккита илмий йўналишнинг (лингвокултурологик, когнитив тилшунослик) вужудга келишига сабаб бўлди.

Тил, маданият ва этнос бир бири билан узвий боғлиқ бўлиб, халқ, миллатнинг маънавий, ижтимоий ўрнини белгилайди. Маданият- бу асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келадиган ҳамжамиятли кишиларнинг қадриятлари мажмуаси ҳисобланади [29,28].

Когнитив психология ва когнитив лингвистикада “концепт” mental/conceptual representation – “тасаввурдаги образнинг намаён бўлиши” маъносини беради.

Концептнинг лексик семантик бирлик сифатидаги ўзига хос жиҳати, унинг лингвокултурологик хусусиятида ҳам кўзга ташланади [6, 52-57]. Мазкур хусусиятлар турли маданиятда турлича намаён бўлиши мумкин. Жумладан тил семантикасида материал, қадрий, ижтимоий ва кундалик тасаввурнинг қай даражада изоҳланишига боғлиқ. Материал ва ижтимоий маданият номинация шаклида ифодаланса, қадрий ва кундалик фаолият лексик семантикада коннотация кўринишида юзага келади [4, 67].

Концепт- бу маданий белгиланган вербаллашган маъно бўлиб, лексик семантик парадигмани ҳосил қиладиган, бир қатор ўзига хос тил реализациясига эга бўлган ифода планида намоён бўладиган бирлик тушунилади. Лингвокултурологик концептнинг мазмуни иккита семантик белгини ўз ичига қамраб олади. Биринчидан, барча тил реализацияларига тегишли бўлган семалар киради. Улар лексик-семантик парадигмани

“боғлайди” ва унинг тушунчавий ёки прототипик асосини ташкил қилади. Иккинчидан, бунга лингвокультурологик, этносемантик спецификали ва тил соҳибининг менталитети ёки шахснинг тил менталитети билан боғлиқ семантик белгилар киради [4, 468].

1.3. Концепт ва маъно

Типологик нуқтаи назардан кўплаб концепт унверсалияларнинг индивидуаллашуви бир биридан фарқ қилади. Уларнинг семантик составида куйидаги асосий фарқлар кузатилади: 1) “дискурслар аро метаморфозаларда” бир бутунлигини сақлаган ва концептнинг қариндошлик идентификациялашда муҳим ўрин тутадиган ҳамда тушунчавий, рационал-дискурсивликни барча белгиларини қамраб оладиган; 2) семантик кўчма моделларда мавҳум борликни метафорик-образли, эмоционал-ҳиссийни ифодаловчи бирликлар киради; 3) маълум бир тилдаги концепт ва унинг вербаллашиш усулларини қамраб оладиган шакллар билан боғлиқ “тушунчавий”, “тил системасини ташкил этувчи” бирликлар ташкил қилади [11, 14]. Келтирилган мазкур семантик прототиплар тиллар аро ёки маълум табиий тиллардаги лингвокультурологик концептларни типологик қиёслашда муҳим воситалар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Биринчи боб бўйича хулосалар

“Лингвомаданий концепт”нинг структур семантик тузулиши, вариативлиги ва кўп қатламлиги билан ажралиб туради. Унинг тадқиқ этилишида микролингвистик методиканинг қиёсий семантикасида самарали йўл ҳисобланадиган компонент таҳлилига асосланамиз [19,13]. Тиллар орасидаги қиёслашда ўзига хос ўрин тутадиган предмет-концептларнинг таққосланиши концептларнинг вербаллашуви, лингвомаданиятларнинг этнологик хусусиятларини очиб беришда муҳим ўрин тутади. Бу таққослаш жараёнида биринчидан, семантиканинг референциал ва прагматик хусусиятлари ажратилади ва таққосланаётган тиллардаги эквивалентлари олинади. Иккинчи жараён сифатида эса этнокультурологик спецификанинг соҳиби ўрин тутади ва ушбу хусусият қиёсланаётган тилларда бир-биридан фарқ қилади.

Лингвокультурологик концептнинг қиёсий ўрганишида “маданий муҳит”, “семантик примитив”ларга эга бўлган мураккаб ментал билим ҳисобланиб ижтимоий адаптациядаги мантиқий ва морал хусусиятлар эътиборга олинади[12, 57].

Индивидуаллаштирилган барча концепт унверсалиялар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Аммо шундай бўлсада, уларнинг семантик таркиби ўхшаш бўлган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин: 1) “дискурслараро метоморфазалар”да учрайдиган ва концептнинг турини аниқлаштиришда муҳим ўрин тутадиган ҳамда рациональ-дискурс тушунчасини барча белгиларини қамраб оладиган концептлар; 2) семантик ўзгаришдаги эмоционал-ҳис туйғу, метафорик билим ўз ичига қамраб оладиган моделлар; 3) “маънога эга”, бирор табиий тилдаги борлиқ шакли билан боғлиқ, тил системасидаги барча белгиларни қамраб оладиган концепт ва унинг вербаллашаолиш имконининг мавжудлиги; 4) концептнинг гносеологик ва аксиологик баҳоловчи, барча мавжудлик белгиларини қамраб олувчи ва баҳолаш хусусиятларини тасвирловчи белгилар. Барча ушбу ажратиб кўрсатилган прототиплар тиллар ўртасидаги лингвокультурологик концептларнинг қиёсий таҳлилида намаён бўлади.

А.Л. Гройсман негатив эмоцияларни физиологик жиҳатдан таснифлар экан, у эмоция ва ҳис туйғуларни қуйидагича таснифлайди: қониқиш ҳосил қилмаслик, изтироб, ғам-гусса, ғазаб, азият чекиш, хафа бўлиш, қўрқув, даҳшатга тушиш, раҳм-шафқат, ҳамдardлик, афсус-надомад, ғазаб, ҳақоратланиш ҳиссиёти, нафратланиш, нафрат, совуқчилик, ҳасад, ҳасадгўйлик, адоват, хусумат, ёвузлик, дарғазаблик, ишончсизлик, уят, жирканиш, афсусланиш, чидамсизлик, виждон азоби, виждонсизлик, нолиш ва бошқалар [17, 74].

Инсонларнинг кундалик ҳаётини нутқ жараёнисиз тасаввур қилиш қийин. Нутқ биринчи ўринда инсонларнинг коммуникация воситаси

хисобланади. Нутқ инсонга берилган энг буюк неъматлардан бири бўлиб, инсоният эришган тараққиётнинг асоси десак ҳам хато бўлмайди.

Т.М. Николаева нутқ фаолиятини ўз навбатида нутқ категорияга ажратади: 1. Нутқ стереотипи (ифода қисми, контекст таркибига кирувчи “эркин” компонентли ифода), сўзловчининг нутқ жараёнида бегона кишининг нутқи; 2. Коммуникативли стереотип (маълум бир вазиятда бир хил ибораларнинг қўлланилиши), амалий суҳбат жараёнидаги ибораларнинг этикет шакллари, ва шунингдек кам ўрганилган индивидуал коммуникатив стереотиплар; 3. Ментал стереотип (дуал ёки градул категориялар билан фикрлашга қаратилганлик ва шунингдек онгда акс этишнинг архаик даври) бирор факт, ҳодиса, маълумотга нисбатан салбий қарашларни ифодалайдиган дуал категоризациялаш [27, 162–178].

Айтиб ўтганимиздек нутқ жараёни коммуникатив жараён сифатида диологик, монологик, нарративлик, тасвирий ифодалаш каби турларда намаён бўлади. Нутқ жараёнида нутқ ҳодисалари юзага келади. Нутқ ҳодисалари вазиятан нисбатан ижобий ёки салбий муносабатлардан ташкил топади. Мазкур муносабатлар одатда, таъкидлаб ўтилган диологик ва тасвирий нутқ ҳодисалари жараёнларда намаён бўлади. Ушбу нутқ ҳодисалари инсонларнинг объект ёки вазиятга нисбатан муносабатларининг ички психологик, эмоционал кўринишлари сифатида нутқ жараёнида ифода планига кўчади. Е.В. Падучева нутқ ҳодисалари хусусида фикр юритаркан, диалоглардаги психологик, эмоционал иборалар репликалар тарзида ифодаланиши икки шахснинг психологик жараёнларини бир-бирига қаратилганлиги ҳамда улар реакция ва стимулни ташкил этишини таъкидлайди [28]. Нутқ фаолияти жараёнида юзага келадиган ҳодисалардан нутқ интеракция ҳам мавжуд бўлиб, у суҳбат жараёнидаги коммуникантларнинг ўзаро интенциясига асосланилади. Мазкур жараён Л.П. Чахоян и Ш.А. Паронянлар томонидан коммуникатив-прагматик ва интеракционал пландаги шахслар аро муносабат деб қарашади. Интеракционал интенция – бу тил жараёнидаги мулоқатнинг ижтимоий

нормаларида аниқланадиган компонентлар ҳисобланиб, унда коммуникант томонидан бажариладиган ҳаракат мулоқат жараёнида маълум бир мақсадга эришилишига қаратилади. Интеракционал интенцияларнинг ўзаро муносабати шахслар аро муносабатларда аниқланади [30, 68-69].

Тадқиқотимиз объекти бўлган эмоционал муносабат феъллари таҳлилида фақатгина классик тилшунослик ёндашувларига тўхталиб қолмасдан, мазкур гуруҳга тегишли феълларнинг когнитив ва лингвокултурологик хусусиятларига ҳам тўхталамиз. Бизнинг тадқиқотимиз келтирилган ишлардан фарқли томони шундаки, биз фақатгина эмоционал гуруҳга тегишли феъл ва феъл бирикмаларининг лексик-семантик таҳлили ҳамда уларнинг когнитив жиҳатларини таққослаймиз.

1.3. Агрессия концепти ва унинг вербаллашуви

Когнитив тилшунослик ва прагмалингвистиканинг тараққиёти эмоция билан боғлиқ бўлган кўплаб ишлар, тадқиқотларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бу ҳол лингвокултурологик жараёнда типологик нуқтаи назардан олиб борилиши эса эмотивлик турларининг турли тилларда ўзига хос ифодаланишини очиб беришга хизмат қилмоқда.

Эмоцияларнинг турли лингвокултурологикалардаги вербаллашувининг қиёсий тадқиқотларига ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Эмоциялар эса универсал ҳодиса деб ҳисоблайдиганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Эмоционал лексиканинг типологик структураси кўрилаётган ҳар бир тилда ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги айтилади [4]. Эмоцияларнинг рус тили талқинида асосий (базавый) ва асосий бўлмаган турларга ажратган К. Изард асосий эмоциялар сифатида *интерес, радость, удивление, печаль, гнев, отвращение, презрение, страх, стыд, чувство вины* каби турларини келтиради [20]. К.Израднинг қарашларидан фарқли ўлароқ эмоция хусусида Р. Корнелиус қуйидагича фикр юритади: “конкрет аниқланган эмоция мавжуд эмас, фақатгина ҳар хил одамларнинг эмоцияларини ифодалашда умумийлик бор бўлиб, эволюцион биологик хусусият сифатида қараш мумкин”[31, 208]. Кўриниб турибдиги эмоцияларнинг турли тиллардаги

хусусидаги фикрлар бир хил эмас ва шунинг учун ҳам эмоцияларнинг турли тил сатҳларидаги типологик таҳлили ўз долзарблигини йўқотган эмас ҳамда тадқиқодчиларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда. Таъкидлаганимиздек, эмоцияга тегишли таҳлилларда агрессивликнинг когнитив ва концептуал томонларини кўриб чиқамиз. Тилдаги эмоцияларни тасвирлашнинг турлича йўналишлари мавжуд бўлиб, бу борадаги классик ёндошувчилар сифатида Л.Иорданской ва А.Вежбицкаяларни келтириш мумкин [10], [19]. Ушбу тилшунослар семантик нуқтаи назардан ёндашишган бўлса, Дж.Лакова ва З.Кевечеслар эса агрессиянинг когнитив жиҳатларини талқин қилишади. Эмоцианалликни когнитив нуқтаи назардан инглиз ва рус тилларида қиёсий типологик таҳлилин таниқли тилшунос Ю.В. Апресян ишларида [3], [4] ҳам кузатиш мумкин. Олим, мазкур соҳага тегишли бўлган эмоцианал концептларни 11 та ('страх', 'гнев', 'отвращение', 'грусть', 'радость', 'стыд', 'жалость', 'обида', 'гордость', 'ревность/зависть', 'благодарность') гуруҳга ажратади. Муаллиф эмоцианал концептларнинг типологик таҳлил қилиш жараёнида асосий эътиборини уларнинг концептуал реализацияси билан чекланиб қолмасдан, эмоцианал бирликларнинг семантик майдонини таҳлиliga ҳам тўхталади ва инглиз ҳамда рус тилларидаги "кўркув" эмоцианал бирлигининг физиологик, биологик, нейтрал турларини таққослайди [4]. У ҳар бир эмоцианал гуруҳга тегишли тил бирликларини ҳар хил эмоцианал жиҳатларини ифодаланишига қараб эмоциянинг турли белги ва турларининг гап бўлакларидаги синонимларини, типологик жиҳатдан қиёслади. Унга кўра эмоцианал каузация (*пугать, страшный*), эмоцианал ҳолат (*грустно, страшно*), эмоционал тутиш (*ужасаться, жалеть*), эмоцияга физиологик реакция (*побелеть, побагроветь, похолодеть*), эмоцияга хулқий муносабат билдириш (*убежать в ужасе, ударить кулаком по столу от досады*). Анета Павленко эса ўз таҳлили жараёнида инглиз тилида 20та эмоционал леммаларни аниқлайди ва уларнинг асосини сифатлар ташкил этиши тўғрисидаги фикрни билдиради. Муаллиф эмоцианалликни англатувчи қуйидаги сифатларни келтиради: 'angry', 'mad', 'sad', 'frustrated',

'disturbed', 'depressed', 'disappointed', 'confused', 'distracted', 'embarrassed', 'perplexed', 'pissed', 'shocked'[31, 208-237]. Келтирилган эмоционал концептларнинг кўпчилиги агрессивлик ва каузативлик семантикасига ҳам тегишли.

Рус тилшуноси Ю. Апресян рус ва инглиз тилларидаги эмоционал кластерларни тадқиқ этар экан, у эмоцияларни англатадиган турли тил воситаларини иккига ажратади:

1) эмоциянинг ҳар хил белги ва турларини таркибига оладиган ҳар хил гап бўлақларининг синоним ҳамда аналоглари (мисол учун, рус тилидаги “қўрув” (страх) кластри учун- *бояться, пугаться, трусить, страшиться, опасаться, страх, боязнь*; инглиз тили учун *to be afraid, to be scared, to fear, fear, dread*);

2) эмоциянинг юзага келишида турли туман аспектларни намоён этиладиган воситалар, хусусан-каузация (*пугать, страшный*), ички эмоционал ҳолат (*грустно, страшно*), эмоционал асосланган феъл-атвор (*ужасаться, жалеть*), эмоцияга физиологик реакция (*побелеть, побагроветь, похолодеть*; эмоцияга хулқ-атвор жиҳатдан муносабат билдириш (*убежать в ужасе, ударить кулаком по столу от досады*) [3].

Антропология ва психология тадқиқотчилари фикрларига кўра турли тилда сўзловчилар ва турли маданият вакиллари эмоционал ва когнитив тажрибани турлича концептлаштиришади. Хусусан Росалдо эмоциялар тўғрисида фикр юритаркан, муаллиф уларни шахсга тегишли қисман жисмоний, шу билан бирга ахлоқий ёки маънавий муносабатларни акс эттиришини таъкидлайди. Тил ушбу парадигмада эмоцияларнинг акс эттирувчи кўзгугина эмас, балки уни қайта конструкцияловчи ҳам ҳисобланишини [38, 137-157] таъкидлаб ўтади. Юқорида қайд этилганидек эмоцияларни асосий ва асосий бўлмаган турлардан ташқари, уларни негатив ва позитив турларга ажратиш орқали таҳлил этиш ҳам тилшунослар тадқиқотларида кўплаб учрайди. Шунинг билан бирга эмоция тадқиқотларига бағишланган ишларда одатда эмоцияларни ижобий, салбий

ва баъзи тилшуносларда ёқимли, ёқимсиз каби оппозицияга ажратган ҳолда тадқиқ этиш кенг тус олган. Келтирилган салбий эмоция ўз навбатида агрессивлик билан боғлиқ семантикани ҳам ўз ичига қамраб олади. Агрессив эмоцияларнинг лингвистик тасвири ушбу тилшунослар қарашларича экспериенсернинг “яхши” (хурсандчилик, ғурур каби ижобий эмоцияларнинг бошидан кечиришида) ёки “ёмон” (кўрқув, ғазаб, уят ҳолатларида) ҳолатларни ҳис этишига асосланишади [10],[5]. Жумладан, А.Л. Гройсман негатив эмоцияларни физиологик жиҳатдан таснифлар экан, у эмоция ва ҳис туйғуларни қуйидагича таснифлайди: қониқиш ҳосил қилмаслик, изтироб, ғам-ғусса, ғазаб, азият чекиш, хафа бўлиш, кўрқув, даҳшатга тушиш, раҳм-шафқат, ҳамдардлик, афсус-надомат, ғазаб, ҳақоратланиш ҳиссиёти, нафратланиш, нафрат, совуқчилик, ҳасад, ҳасадгўйлик, адоват, хусумат, ёвузлик, дарғазаблик, ишончсизлик, уят, жирканиш, афсусланиш, чидамсизлик, виждон азоби, виждонсизлик, нолиш ва бошқалар [17, 74]. Кўриниб турибдики кейинги даврдаги эмоция билан боғлиқ тадқиқотлар, таҳлиллар маълум бир морфологик (от, сифат, феъл ва ҳакозо) тизим доирасида эмас, балки эмоционалликнинг умумий ёки хусусий хусуиятларини қамраб олмоқда. Бу ҳол тил тараққиётининг бошқа соҳалар билан, жумладан психолингвистик боғлиқ равишда олиб борилиши, когнитив тилшунослик, лингвокултурологик йўналишларнинг кенг тармоқланишининг натижасидир.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Тилшуносликда лексик-семантик майдон тадқиқотлари ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг тус олди. Натижада сўзларни лексик-семантик маъноларига қараб таснифлаш кўпгина тадқиқотчи ва тилшуносларнинг тадқиқот объектига айланди. Тадқиқотлар кўплаб тилларда турли морфологик сатҳларда (от, сифат, феъл ва бошқалар) олиб борилди. Хусусан феълларнинг лексик-семантик таснифлари қарийиб барча табиий тилларда синхроник, диохроник, шу билан бирга қиёсий типологик соҳаларда олиб

борилди. Фейлларнинг лексик-семантик таснифлари катта-катта гуруҳлардаги кичик гуруҳларни ажратиб тилнинг синтактик, лексик ва бошқа қатламларида тадқиқ этилишга ҳам эътибор қаратила бошланди. Натижада фейлларнинг лексик-семантик таснифи кенг миқёсда таҳлил этила бошланди. Одатда семантик синифлар (лексик-семантик гуруҳлар) сифатида қуйидаги гуруҳлар ажратиб кўрсатилди: нутқ фаолият феъллари, сезгу-туйғу феъллари, идрок қилиш феъллари, тафаккур феъллари, овоз феъллари, маълумот феъллари, юриш-ҳаракат феъллари, муҳитдаги ҳолатни англатувчи феъллар, физик таъсир эътувчи феъллари, фаолият (меҳнат, интеллектуал ва бошқалар) феъллари, физик ҳолат феъллари, хулқ-атвор феъллари, хоҳиш-истак феъллари, эғалик феъллари [9] ва ҳакозо.

Ўтган асрнинг 80-йилларида ғарб тилшунослигида юзага келган прагмалингвистика, когнитив тилшуносликнинг тараққий этиши тилшуносликнинг барча соҳалари тадқиқоқитига янгича ёндашув киритди. Бу ҳол инсон психологияси ва фалсафий қарашлар билан ёндашувни юзага келтирди. Натижада эмоция билан боғлиқ тадқиқий ишлар [2] парадигматик ва синтагматик сатҳ доирасидан чиқиб прагматик ва когнитив томонларига эътибор берила бошлади. Мазкур соҳалардаги тадқиқодлар фақатгина лексик бирликлар ва бирикмалар таҳлили билан чекланибгина қолмасдан, бутун вазият, ҳолат ёки ҳаракат тушунчалари, субъект ва объект муносабатида киши онгида, тасавуридаги ҳодисаларнинг тилда акс этилишига қаратилмоқда. Бу каби тадқиқотларнинг қиёсий типологик нуқтаи назардан лингвокультурологик сатҳларда тадқиқ этилиши эса кенгроқ самара бераётганлиги эътироф этилмоқда [11, 8-93]. Олиб борилган тадқиқот ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, эмоциялар инсон ҳаётида муҳум ўрин тутиши мумкин. Хусусан ана шу эмоциялар бизнинг ҳаракатларимиз ва уларнинг оқибатларини бошқарувчиси ҳисобланишади. Шунинг учун ҳам эмоция у ёки бу категорияга киритилганда аниқ критериялар [15, 9-15] ишлаб чиқилади. Ушбу критериялар тадқиқотларнинг йўналишига қараб белгиланади. Хусусан тадқиқотимиз объекти бўлган эмоционал муносабат

фeyлларининг семантик-структурал хусусиятларининг таҳлили семантик майдон доирасида олиб борилиши мақсадли йўл ҳисобланса, уларнинг киши психикаси билан боғлиқ жараёнларнинг таҳлили когнитив семантика билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши мумкин. Эмоция субъектнинг ўзини ўраб турган дунё ва унга баҳо беришдаги психик ҳис туйғулари жараёнининг натижасидир. Эмоционал муносабат фeyлларининг муҳим белгиларидан бири бу маъноларнинг кўп ўлчовлиги ҳисобланади. Улар субъект эмоциясининг у ёки бу ифодаси билан бирга, унинг психик ҳолати ва характернинг ўзига хос хусусиятлари, фeyл-атворнинг спецификаси бўйича маълумотларни ифодалаш учун қўлланилади. Эмоционал муносабат фeyллари белгиланган вазият ёки ҳодиса-жараёнларга қараб сўзловчининг рефрентга бўлган шахсий муносабатини ифодалаб келади ва фақатгина рационал эмас, балки эмоционал мулоҳаза ҳам беради.

II. БОБ. Агрессиянинг ифодаланиш структураси

Шундай қилиб нутқ интеракцияси коммуникантларнинг нутқ амалиётлари кетма-кетлигини намойиш этади. Россияда чоп этилган Лингвистик Энциклопедик лугатида берилишича нутқ ходисаси- бу “мақсадли йўналтирилган нутқ ҳаракати бўлиб, ушбу жамиятда қабул қилинган нутқ мулоқатининг принцип ва қоидаларига асосланган; прагматик вазиятлар доирасида кўриладиган ижтимоий нутқ фаолиятининг норматив бирлигидир” [Лингвистический энциклопедический словарь 1990: 412].

Маълумки нутқ жараёнлари ўз ичига коммуникантларнинг турли кайфиятлари, муносабатлари, психоэмоционал ҳолатлари асосида курилади. Психоэмоционал ҳолат коммуникантларнинг нутқ жараёнида ўзаро салбий муносабати орқали юзага келиши мумкин. Шунингдек сўзловчи ёки субъектнинг объектга нисбатан салбий муносабатининг иникоси сифатида акс этиши ҳам конфликтотен пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Инцидент конфликтлашган тарафларнинг бирининг ўзини тута билмаслиги

билан ёки ҳаракатидан келиб чиқади. Конфликтли нутқ вазияти иккинчи даражага кўтарилиш деб баҳоланади.

2.1. Агрессив сўз бирликлари

Конфликтли нутқ муомаласининг иккинчи даражаси конфликтли вазиятнинг асосий даражасида, яъни қарама-қарши тарафлар очикчасига ўз нутқий муносабатларини баён этиш жараёнида содир бўлади. Бевосита тўқнашув ҳар томонлама, яъни вербал ёки новербал, эмоционал-психологик жиҳатларни қамраб олади. Конфликтли нутқ-жараёни-бу рақибининг мақсади, қизиқишлари, шижоати, ва бошқа шу каби хусусиятларга тўсик кўйишга қаратилади. Конфликтли вазиятнинг ушбу даражасида кейинги муносабатларнинг қай даражада ривожланиши шаклланади. Бу ҳолда эмоционал вазиятнинг таранглиги муҳим ўрин тутди. Мазкур вазиятлар икки қарама-қарши тарифларнинг бирида ёки уларнинг иккаласида ҳам агрессив ҳолатларни юзага келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Натижада агрессив нутқ вазияти юзага келиши ва агрессив ибораларларнинг нутқ вазиятига, нутқга кўчиш жараёни бошланиши мумкин. Агрессив сўзининг инглиз тили изоҳли луғатларида асосан қуйидаги изоҳлар берилди:

Aggression- a form of behavior characterized by physical or verbal attack. It may appear either appropriate and self-protective, even constructive, as in healthy self-assertiveness, or inappropriate and destructive. Aggression may be directed outward, against others, or inward, against the self, leading to self-destructive or suicidal actions. It may be driven by emotional arousal, often some form of frustration, or it may be instrumental, when it is used to secure a reward.

Конфликт жараёнининг кейинги учинчи босқичи конфликт вазиятдаги баъзи элементларнинг ўзгариши содир бўлиши мумкин. Ушбу элементлар қарама-қарши томонларнинг эмоционал кечинмалари, стратегик мақсадлари, тактик масалалари, бир-бирларига нисбатан ёки бирининг иккинчисига

бўлган агрессив ҳолатларнинг шаклланиш кузатилади. “Агрессив” сўзининг семантикасига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу сўз полисемантик ҳисобланиб, турли салбий муносабатлар, яъни бирор шахснинг бошқа шахсга нисбатан тазийқи, хужуми, зўравонлиги, қонуний ҳуқуқларининг бузилишига қаратилган акт, шунингдек бирор мамлакатнинг бошқа мамлакатга босқини каби маъноларни англатади. Вебстр энциклопедик луғатда мазкур “агрессия” сўзининг қуйидаги маънолари келтирилади:

Aggression:

1. the action of a state in violating by force the rights of another state, particularly its territorial rights; an unprovoked offensive, attack, invasion, or the like;
2. any offensive action or procedure; an inroad or encroachment;
3. the practice of making assaults or attacks; offensive action in general;
4. psychol. outwardly or inwardly directed, overt or suppressed hostility either innate or resulting from continued frustration.

(Webster's: 28)

Шундай қилиб ушбу луғатда агрессия тушунчасига умумий ва етарли изоҳ берилган. Агрессия билан боғлиқ ва ўлжага нисбатан эмоционал ва тана жароҳати етказиш, кенгроқ маънода бирор мамлакатнинг бошқа мамлактни куч билан эгаллаши тушунилади. Психолог Арнольда Х. Басса агрессияни бир организмнинг бошқасига тана жароҳатини етказишга қаратилган реакция деб изоҳлайди (reaction that sends hurtful stimuli against another organism) [32, 29]. Демак агрессия тушунчасига ҳимоя мақсадидаги ҳаракат, онгли равишдаги зўравонлик, хусусий мақсадли ҳаракат тушинилади. Шу билан бирга агрессия ва агрессивлик тушунчалари ўтасидаги фарқни аниқлаш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Албатта агрессивлик агрессияга нисбатан акт, реал ҳаракатнинг бошланиш фазаси сифатида ва шунингдек бирор шахснинг бошқасини камситишга қаратилган ҳаракат ҳамда нутқий жараён билан фарқланади. Шуни таъкидлаш жоизки ҳозирги кунда инглиз тилидаги *aggressiveness* сўзи “сабоатли”, “тиришқоқ”, “қатгий” каби маъноларни ҳам

Агрессив ҳолатнинг юзага келиши blood rise, ва surging waves иборалар билан ифодаланилган ушбу мисолда субъектнинг эмоционал ҳолати муаллиф

томонидан тасвирланиши физиологик симптом, яъни *қон босимининг ошиши* бирикмаси орқали очиб берилади.

Аmmo эмоционал агрессив ҳолатнинг тасвирланиши субъектнинг организмидаги физиологик ўзгаришлар натижаси сифатида ҳам баҳоланади. Субъектдаги мазкур эмоционал ўзгариш рақибга нисбатан агрессияни юзага келтиради. Албатта агрессив ҳолат субъектнинг эмоционал ҳолатининг кульминациона нуқтасида, ўз ҳиссиётини бошқара олмаслиги натижасида юзага келади. Масалан:

His eyes had gone a pale tan and his face was bleached of color. He seemed at any moment about to fling himself on his older and stronger brother.

(Puzo)

Маълумки агрессивлик субъектда турли вазиятларда юзага келади. Келтирилган мисолда Субъект ҳолати рақибининг ҳатти-ҳаракатидан ўз эмоцияларини жиловлай олмаслиги, рақибининг унга нисбатан ноҳақлиги сабаб юзага келиши тасвирланган.

Эмоционал агрессивлик субъектдаги асаб толаларининг таранглашиши, қон томирларининг кенгайиши, ушбу симптомнинг юзага чиқиш омили бўлиб хизмат қилади. Салбий эмоционал вазиятнинг юзага келиши субъектнинг юз ифодасига кўчади ва ушбу ҳолат эмоционал агрессиянинг бошланишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Масалан:

Sonny's heavy Cupid face grew red with anger.

(Puzo)

Эмоционал агрессиянинг вербал тасвири мулоқотдаги фоно-просодик компонентлар ёрдамида ҳам тасвирланади. Мазкур тасвир нутқ вазиятидаги, мулоқатдаги товушларнинг ифодаланиш усули, талаффуз ритмларининг ўзгариши, овозларнинг тембрларидаги ўзгаришлар, ургу беришлар орқали ўз ифодасини топади. Масалан:

Dorothy clasped her hands and her voice, her cool, deliberate and distinguished voice, was tremulous with tears.

(Maugham)

Агрессия субъектлар ўртасида турли эмоционал вазиятларнинг тасвирланиши, ёки эмоционал ҳолатнинг салбий томонга қаратилган хусусияти сифатида баҳоланади. Агрессия вазиятларнинг тасвирида уч боқичли жараён билан боғлиқ бўлади. Биринчи жараён субъектлар ўртадаги конфликтнинг юзага келиши. Конфликт воқеа-ҳодисанинг вазият momentiда юзага келиши мумкин, шунингдек вақт жараёнида тўпланилган рақибга нисбатан ички салбий эмоционал туйғунинг юзага чиқиши, субъектларнинг иқтисодий-ижтимоий келишмовчилиги каби бир неча омилларни қамраб олади. Иккинчи жараён субъектлар ўртасидаги конфликт вербал кўринишга эга бўлиши, яъни субъектларда эмоционал агрессивлик ҳолатларининг юзага чиқиши: субъектнинг юз ифодасининг ўзгариши, агрессив сўзлар ва ибораларнинг кўлланилиши, ифода планига кўчиши, тана ҳаракатларида агрессивликка мойилликнинг ошиши билан ифодаланади. Учинчи босқичда эса тўпланилган нафрат, ғазаб ва шу каби салбий эмоционал хусусиятларнинг актларга кўчиши, кулминацион вазиятнинг юзага келиши ҳамда агрессив ҳаракатларнинг бошланиши ҳисобланади. Кўриниб турибдики, агрессив хатти-ҳаракатлар ўз навбатида маълум бири жараён, воқеа-ҳодисалар ривожининг кулминацион нуқтасида ҳосил бўлади.

Эмоционал агрессив вазиятнинг вербал кўриниши субъектнинг эмоционал ҳолатидаги ўзгаришларнинг иникоси сифатида баҳоланади ва эмоционал тасвирий ибораларда ўз аксини топади.

1. Эмоционал агрессив тасвирнинг эксплицит ифодаланиши эмоционал хусусиятни курсатиш орқали амалга оширилади. Мазкур ҳол тасвирий хусусиятга эга бўлиб, агрессияга киришиш ёки агрессияга тайёргарлик босқич сифатида фикрлаш мумкин. Масалан:

Her black hair was disheveled and her brown *eyes were gleaming with anger*, changed into a triggerfish topaz.

Келтирилган мазкур мисолда субъектнинг эмоционал –психологик ҳолати *to gleam* феълига (ярақламоқ, чақнамоқ) юклатилган бўлиб, китобхонда субъектнинг эмоционал ҳолатининг қай даражада шаклланганлиги ва унинг агрессияга мойиллиги тўғрисидаги тушунча юзага келади. Албатта эмоционал ҳолат ёки унинг агрессияга мойиллик тарафлари бирика ёки иборанинг фонетик урғусига қараб ҳам белгиланиши мумкин. Эмоционал агрессивликнинг юзага келиши субъектнинг ташқи кўринишидаги, юз ифодасидаги, нутқий жараённинг бориши, тана ҳаракатларига қараб аниқланади. Мазкур ифода планининг агрессияга кўчиши қуйидаги моделларда ўз ифодасини топади:

- 1) эмоционал жараёнда юзага келадиган танадаги биринчи ўзгаришлар: кўз ҳаракати, лаб титраши, овоз кўтарилиши ёки товушдаги белгилар экспликатор, агрессив ҳолатга ўтишдаги биринчи кўрсаткичлар бўлиши мумкин.;
- 2) эмоционал агрессивликнинг лекик воситага кўчиши: нутқ жараёнида агрессив ибораларнинг қўлланилиши ва шу кабилар.;
- 3) агрессиянинг аниқ суюъект ёки объектга қаратилганлиги. *For the first time the Doctor looked at me with contempt.*
- 4) Агрессиянинг нутқ жараёнидан ҳатти-ҳаракатларга кўчиши: рақибига нисбатан тана жароҳати етказиш ва шу кабилар.

Шунингдек экспликатор вазифасини инглиз тилида *to look* феъли билан ифодаланган ҳолат ўтайди. Ушбу феъл субъектнинг кўз ифодасидаги эмоционал агрессив ҳолатнинг юзага келиш жараёнини кўрсатувчи ва уни ифода воситаси бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳол гапнинг қўлланилиши яъни нарратор ёки авторнинг гапи билан ёки адресат бевосита ўзлаштирма тарзда ифодаланиши мумкин. Масалан:

Even to herself her reply rang false, and she *saw the look of disdain* which is called forth on Walter's stern face.

(Maugham) -

Келтирилган мисолдаги *saw the look of disdain* бирикмаси субъект рақибининг ички эмоционал ҳолатини кузатиш ва шу билан ундаги нафрат эмоционал агрессивликнинг ўсиш жараёнини тасвирлайди.

2. Эмоционал агрессив ҳолатнинг имплицит ифодаланиши субъектда юзага келган салбий эмоционал белги асос бўлиши мумкин. Ҳар қандай нафрат субъектда рақибига нисбатан агрессив ҳолатнинг юзага келишига сабаб бўлади. Мазкур ҳол фақатгина агрессиянинг имплицит кўринишини ҳосил қилади. Масалан:

There was a shadow of hatred on her lips.

(Maugham)

Эмоционал ҳолат ҳар қандай вақт оралиғида агрессив жараёни юзага келтириши мумкин. Агрессивликнинг юзага келиши вазият, мулоқат қилувчиларнинг муносабати, суҳбати, субъектда агрессив ҳолатнинг тасодифан ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Агрессив ҳолат субъект танаси ҳаракатлари, юз тузилишининг ўзгариши, нутқ жараёнидаги интонация билан белгиланади. Масалан:

Suddenly his face contracted with wrath. "I hope he may never set foot i' my house again", he said.

(Lawrence)

Таҳлил жараёни шуни кўрсатадики агрессив вазият, агрессив ҳолатларнинг ифодаланиши субъект ва коммуникантларнинг эмоционал ҳолати билан боғлиқ бўлади. Эмоционал ҳолатнинг салбий кўринишга келиши агрессив вазиятларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Агрессивлик биринчи навбатда нутқга кўчса, иккинчи навбатда субъектнинг ҳатти-ҳаракатлари орқали намаён бўла бошлайди. Кейинги жараён эса агрессивликни ифодаловчи сўзларнинг қўлланилиши ва сўнгра тана ҳаракатларига ўтади. Бу ҳол агрессивликнинг кульминацион нуқтаси ҳисобланади. Албатта агрессив жараён ҳар доим ҳам бир хил кўринишда ривожланмайди. Агрессив жараённинг тасодифан ёки кутилмаганда юзага

келиши коммуникантларнинг эмоционал ҳолати, психологик ҳолати, характериға ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳар қандай агрессивликнинг юзага келишида сабаб ётади. Сабаб маълум вақт оралиғида тўпланилган ҳиссиётларнинг юзага чиқиши, шунингдек субъектнинг рақибига нисбатан доминантлик қилиш мақсадидаги ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ жараён сифатида ҳам акс этиши мумкин

Агрессия субъектлар, коммуникантлар ўртасидаги мулоқотнинг кулминацион нуқтаси сифатида баҳоланади. Кулминациона нуқта дейишимизнинг сабаби, бу вазиятда коммуникантлар ўртасида танага жараҳот етказиш жараёнлари бошланиши мумкин.

Албатта бизнинг вазифамиз агрессив жараёнларни тўлалигича ёритишга қаратилмаган. Шунинг учун ҳам агрессивликнинг юзага келишига сабаб бўладиган психологик омилларни четлаб ўтишни жоиз деб топдик. Мақсадимиз инглиз тилидаги агрессивликнинг иодаланиши бўлганлиги сабабли асосий эътиборимиз сўз ва ибораларнинг қўлланилишига қаратилди. Шунинг учун ҳам кейинги бўлимда агрессивликни англаувчи сўз ва сўз бирликларининг семантик-структурал хусусиятларига эътибор қаратилади.

Эмоционал жараёнлар субъектнинг юз тузилишидаги ўзгаришлар орқали ифодаланиши мумкин. Аммо ушбу ҳолларда агрессивлик бошқа тил бирликлари ёрдамида очиб берилади. Масалан:

Morel rushed to the door, but was too late. He returned pale under his pit-dirt with fury.

(Lawrence)

Connie stood with hands on hips, her face pointy and white with rage.

(Puzo)

He took hold of my arm and turned grey with fury.

(Hamsun)

“You mean Hugh made Ted say he’d go?” Her face had gone white and her eyes were like dark holes in a sheet of ice.

(Hartley)

Келтирилган мисоллардаги *pale under his pit-dirt with fury, white with rage, grey with fury, dark holes in a sheet of ice* каби иборала субъектнинг нафакат эмоционал ҳолати, балки ушбу эмоционал ҳолат таъсирида юзага келган агрессивликни, яъни субъектдаги агрессивликка мойиллик каби хусусиятларни очиб берган.

Агрессив ҳолатнинг юзага келиши ўз навбатида эмоцияларнинг кўтарилиш орқали, яъни минимум эмоционал ҳолатдан максимум эмоционал ҳолатга ривожланиши орқали вужудга келади. Мазкур ҳоллар инглиз тилидаги *rise, mount* феъллари ёрдамида ифодаланиши мумкин. Масалан:

Francis’ gorge rose in indignation.

(Lawrence)

For the first time since it had all started he felt a furious anger rising in him, a cold hatred for his father’s enemies.

(Puzo)

Ted felt his anger mounting.

(Segal)

Suddenly her blood rose in a jet. “Say you’re not drunk!” she flashed.

(Lawrence)

But in spite of himself, his blood began to boil with her.

(Lawrence)

Listening, as the words continued Mel sensed that Cindy was getting close to boiling point.

(Hailey)

Агрессив жараённинг юзага келишида метафорик кучли ғазаб, нафрат сабаб бўлади. Бу ҳол коммуникатлар ўртасидаги салбий жараёнлар ва ҳатто контактларга ҳам олиб келиши мумкин:

“Because I forgot, simply”. He fumed a little.

(Lawrence)

The voices rose in pitch and derision. Steam was getting up.

(Lawrence)

“Me?” She suddenly burst into anger. “You get out of my kitchen!”

(Maugham)

Субъектдаги эмоционал босимнинг кучайиши агрессивликнинг бош омили бўлиб хизмат қилади. Субъектда эмоционал ҳолатнинг бошқарилиши қийин бўлиб қолади. Натижада агрессив сўзлар ифода планига кўчади:

“Hugh!” Marian exploded. “Hugh! Do you mean that Hugh persuaded Ted to enlist?”

(Hartley)

Jason suddenly erupted with angry resentment.

(Segal)

Boy, did she hit the ceiling when I said this ... Boy, did she hit the ceiling.

(Salinger)

Эмоционал босим ўз навбатида шахснинг психологик вазиятига боғлиқ ҳолда агрессив жараёнларга кўчмаслиги ҳам мумкин. Мазкур ҳол субъектнинг ўз эмоцияларини жиловлай олиш қобилиятига, вазиятдан чиқишга қаратилган бирор ҳатти-ҳаракат ва шунингдек атроф муҳит, табиат ҳодисаларига боғлиқ ҳолда юзага келиши кузатилади:

But the wind coming over the causeway, the salty freshness of the air cooled his anger.

(Puzo)

Now, though his brain smoked with hatred, though wild visions of buying a gun and killing the two young man jangled the very bones of his skull, Bonasera turned to his ... wife ...

(Puzo)

He was fueled by rage to toil day and night, *serenas noctes vigilare*, as Lucretius put it.

(Segal)

Rage flamed up in him, contorting his own face.

(Puzo)

He was the slow-burn type. But he was burning now.

(Hailey)

Andrew left the house smouldering with anger.

(Cronin)

Anger flared up in her eyes.

(Hamsun)

Турли типдаги эмоционал жараёнлар, эмоционал ҳолат ва эмоционал агрессивликда учрайдиган ғазаб, нафрат, ҳиссиётларни жиловлай олмаслик симптомлари инсонларнинг хуссий характерлари ҳисобланади:

I just lay on the floor for a while, and kept calling him a moron sonuvabitch. I was so mad, I was practically bawling.

(Salinger)

Brasi glared at her, malevolent, insanity stamped on his face...

(Puzo)

He was beside himself with rage.

(Lawrence)

He lost his temper and suddenly shouted, "Do you hear me? Don't ..."

(Cronin)

Инглизлар лингвомаданиятида агрессивлик эмоционал ғазабнинг физиологик белгиларининг кўриниши сифатида гавдаланади:

I just lay on the floor for a while, and kept calling him a moron sonuvabitch. I was so mad, I was practically bawling.

(Salinger)

Brasi glared at her, malevolent, insanity stamped on his face...

(Puzo)

He was beside himself with rage.

(Lawrence)

He lost his temper and suddenly shouted, “Do you hear me? Don’t ...”

(Cronin)

Агрессивлик ҳар бир этноснинг, умумий планда сўз юритадиган бўлсак инсонларнинг психо-эмоционал хусусияти ҳисобланади. Инглиз тилидаги агрессивликнинг ифодаланиши таҳлили шуни кўрсатадики, агрессивликни англатадиган сўз бирликлари ўз ичига барча морфологик сўз туркумларини қамраб олади.

Тил айна пайтда биологик ва маданий ҳодисалар билан ўзаро кириша оладиган ва таҳлил этиладиган объект ҳисобланади. Когнитив тилшунослик иккита катта йўналишга бўлинади: когнитив семантика ва когнитив грамматика. Когнитив семантика йўналиши тил нуқтаи назаридан ўрнатилган семантик структура ва уни онг орқали билиш, билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади. Когнитив семантика билан шуғулланадиган тадқиқотчилар билимни маъноли конструкция нуқтаи назаридан таҳлил қилишади. Когнитив семантика тадқиқотлари лингвистик семантика тадқиқотларининг инсон онгида моделлаштириш орқали олиб борилади.

Когнитив тилшунослик тилни когнитив инструмент, яъни белгилар системаси маълумотни трансформациялаш ва кодлаштиришда муҳим ўрин тутадиган объект сифатида ўрганиш билан шуғулланади [12, 8-93]. Когнитив тилшунослик мажмуавий тадқиқот йўналиши бўлиб, у тилшунослик ва психологиядан ташқари, сунъий интеллект назарияси, психолингвистика, нейролингвистика каби фан соҳаларига оид илмий ёндашувларни ҳам умумлаштиради. Маълумки нутқ бирликларининг ҳосил бўлиши ва уларнинг тушунилиши ақлий фаолият натижасидир. Бу фаолиятнинг бажарилиши бевосита лисоний билимга эга бўлиши шарт [13, 145–148]. Бизнинг онгимизда маъно компоненти ажратиб олинади, абстраклаштирилади ва тилда турли муносабатлар сифатида акс эттирилади: муносабатлар предмет ва борлиқни ўраб турган ҳодисалар (мос муносабатлар, классификацион муносабатлар, сабаб-натижа муносабатлар, мақсадли муносабатлар ва

бошқалар), инсонни ўраб турган турли реалиялар (мисол учун эгалик, тегишлилик муносабатлар, турли типдаги эмоционал рационал муносабатлар), инсонлар ўртасидаги муносабатлар (масалан, қон-қариндошлик муносабатлар, дўстлик ва рухий муносабатлар, одамлар ўртасидаги турли эмоционал муносабатлар ва шу кабилар). Муносабат лексик-семантик майдонига бошқа, маъно жиҳатдан яқин сўзлар ҳам қўшилиши мумкин. Мазкур ҳол баъзи сўзларнинг маъноларида “муносабат” семасининг окказионал, ситуатив-боғланган равишда юзага келганда ҳосил бўлади [15, 21].

Прагматик асослар

Агрессивликнинг юзага келишида эмоционал-психологик жараёнлар муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Агрессивлик факторларининг прагматик сабабларининг таҳлили икки хил экстарлингвистик факторларнинг юзага келишини кўрсатади:

1) субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар; 2) субъектлар ўртасидаги муносабатда ижтимоий масофанинг юзага келиши. Субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар вазият қатнашувчиларининг эмоционал ҳолатига, уларнинг муносабатидаги конфликтнинг юзага келишидаги омилларга боғлиқ ҳисобланади.

Коммуникатив вазиятдаги ижтимоий-психологик муносабатдаги агрессивлик ҳолатларининг прагматик сабаблари қуйидагича кўриниш олиши мумкин:

Ижтимоий-психологик ҳолатга боғлиқлик жиҳати агрессивлик ҳолатидан йироқроқда бўлиши: (1) It was not his fault; it was simply the way life was lived part of the general **horror** of the established order (ph).

Эмоционал каузациянинг ижтимоий вазиятдаги ўрини орқали белгиланадиган ва қариндошлик хусусиятига эга бўлган агрессивликнинг юзага келиш омили: (2) Out of fear for the welfare of their families, man devised the scheme of insurance (lon4). Субъект онгида юзага келган қурқув эмоционал хусусияти билан боғлиқ вазият: (3) Now that she had lost, greater than her sense

of lost, was the fear that she had made a public spectacle of herself (GWW: 121).
Субъектга нисбатан ўтказилган агрессив таъсир натижасида ҳосил бўлган
психо-эмоционал ҳолатнинг берилиши: (4) With a sensation of **terror** instead of
fear she thought that the dreaded crisis was about to burst (ph).

Эмоционаллик билан боғлиқ вазиятдаги қатнашувчиларнинг ўрни ўша
субъектнинг ижтимоий мавқеига боғлиқ ҳолда ижтимоий муносабат
инфраструктураси белгиланади. (Падучева, 1997: 24). Доминант жиҳат,
агрессивлик айнан ижтимоий статуси юқори бўлган шахс томонидан амалга
оширилади. Бошқача сўз билан айтганда раҳбар ходимнинг ўз кўл
остидагиларига нисбатан агрессивлик ҳолати ҳам кўп бор кузатилади: (5) The
wide rooms were too narrow for his rolling gait, and to himself he was in **terror**
lest his broad shoulder should collide with the doorways or sweep the bric-a-brac
from the mantel. He recoiled from side to side between the various objects and
multiplied the hazards that in reality lodged only in his mind (lonS).

Ижтимоий вазиятда шахснинг жинс билан боғлиқ хусусиятлар ҳам
эмоционал агрессивлик вазиятларни юзага келишида муҳим ўрин тутади:
(6) She was torturing her mother and father with the **dread** that she should leave
the family in the lurch and enter the house of prostitution (ph), (7) She added that
Thea's bad manners with the older girls were being talked about all over town, and
that if her temper did not speedily improve she would lose all her advanced pupils.
Thea was full of fear. She felt she could never bear the disgrace if such thing
happened (crth).

Ижтимоий жамиятдаги, муҳитда шахснинг статуси билан боғлиқ ҳолатлар,
шахсни ўраб турган ижтимоий вазиятлар ҳам субъектда агрессив ҳолатнинг
сабабчиси бўлиши мумкин: 8) He was simply the average roan of small
intelligence, great vanity, and snobbishness, so he felt **terror** of public opinion.
There could be only one reason for the flight of Lorella's daughter - rottenness. The
only point to consider now was how to save the imperiled family standing, how to
protect his own daughter, whom his good nature and his wife's weakness had thus
endangered (ph).

Жамиятда юзага келган бирор вазият субъектнинг ўзига нисбатан агрессив ҳолатнинг мавжудлигини ҳис этади. Мазкур ҳол субъектнинг жамиятдаги ўрни, шахслар ўртасидаги муносабатнинг салбий томонга ўзгариши билан изоҳланади: (9) It was... mental or moral fear of the great social mistake he had committed in allowing himself to fall into this unhallowed relationship with her ШАТ: 190).

Оиланинг жамиятдаги ўрнини йўқотиш, муносабатларнинг чигаллашуви ўша оила аъзоларида кўрқувни каби эмоционал ҳолатнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса муносабатларнинг ўзига хос салбий томонга ўзгаришига олиб келади: (10) Dick gave up hovering between a general scorn of the whole thing and a fear that Alice would shame the family (LBS: 350).

Эмоционал концентрация (consternation) кўрқув, шахсга нисбатан агрессив вазиятларда юзага келади. Мазкур ҳол фақатгина жамиятдаги субъектлар ўртасидаги муносабатларда эмас, балки диний одатларнинг ижтимоий кўриниш олганлиги билан ҳам изоҳланади: (11) To the consternation of his congregation, his first sermon was quite similar to the address given before the Convention. Again he said, and at length and with distressing detail, that the Church had wandered away from the Master's teaching, and that Mammon had been instated in the place of Christ (lon4).

Жамиятдаги бирор жараён, одатда салбий, (шахс томонидан амалга оширилган) ўша субъект онгида ўига нисбатан салбий босимни, яъни кўрқув ва шу билан бирга агрессив вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин:

(12) As her personal mannerism grew more and more odious to him, he began to dull his perceptions with champagne. He had it for tea, he drank it with dinner, and during the evening he took enough to insure that he would be well insulated when he got home. It was scandalous, and it did not occur among brewers. He was violating the NOBLESSE OBLIGE of his guild. His father and his father's partners felt alarm (crth).

Эмоционал кўрқув субъектнинг жамиятдаги ўрнини йўқотиб қўйиш билан боғлиқ вазиятларда ҳам кўзга ташланади. Мазкур эмоционал вазият субъектга нисбатан ташқи босимнинг кучайишига бўғлиқ ҳисобланади: (13)

To care about one's reputation means **fear** of what the world says (ph).

(14) My **dread** is, however, that in your eyes and in the others I may appear to be compromised (dlO).

(15) The **fear** of the tongue, that terror of little towns, is usually felt more keenly by the minister's family than by other households. Whenever the Kronborgs wanted to do anything, even to buy a new carpet, they had to take counsel together as to whether people would talk (catherl).

Турли ижтимоий сатҳ вакиллари ўртасидаги контактнинг аниқловчи хусусияти каузатив эмоционал концентрация сифатида қаралади. Бу каби вазиятларда агрессия каузациянинг асоси бўлиб хизмат қилади: (16) The next afternoon, accompanied by Arthur, she arrived in a carriage, to the unqualified delight of the Silva tribe and of all urchins of the street, and to the **consternation** of Maria (lonS).

Агрессивликнинг прагматик ифодаланиши биринчи ўринда вазиятлар, воқеа-ҳодисалар жараёнида юзага келадиган конфликт ҳамда ушбу конфликтга сабаб бўладиган эмоционал ҳолатга боғлиқ бўлади. Албатта, шу ўринда турли ижтимоий муҳит ҳам агрессивликнинг муҳим прагматик омили сифатида қаралади.

Боб бўйича хулосалар

Диологик нутқда коммуникантлар ўртасидаги муносабатлар қарама-қарши вазиятларни, аномал коммуникатив ҳолатларни келтириб чиқариш мумкин. Прагматик нуқтаи назардан қаралганда ушбу вазиятларнинг содир бўлишида турли ижтимоий вазиятлар, коммуникантлар ўртасидаги доминантлик мақсадлари, коммуникантлар ўртасидаги иқтисодий муаммолар агрессивлик ҳолатларини юзага келтиради. Мазкур ҳолат ва вазиятлар тил ва нутқ жараёнида ўзига хос структурал ва динамик хусусиятларга эга.

1. Агрессив ҳолатлар коммуникантлар ўртасидаги эмоционал вазият ва шунингдек психологик хусусиятларнинг иникоси сифатида юзага чиқади. Албатта воқеа-ҳодисалар жараёнида юзага келадиган конфликт эмоцияларнинг жиловлай олмаслик сабаб қилиб кўрсатилади. Мазкур коммуникация жараёнида доминант субъектнинг рақибига нисбатан вербал кейинчалик эса контактли вазиятларни келтириб чиқариши аниқланди. Бу жараён **terror, dread** ва шу каби агрессивликнинг вербал кўринишига эга бўлади.

2. Агрессивлик натижасида субъект ва объект ўртасида **Fear, Alarm, Fright, Panic, Dread, Terror, Horror, Apprehension** каби ички эмоционал жараён юзага келади. Ушбу семантик бирликлар бир шахснинг бошқасига нисбатан каузатив ҳаракатлари орқали вербаллашади ҳамда каузатив агрессив семантикасини ҳосил қилади.

3. Агрессивлик ижтимоий жамият билан бевосита боғлиқ ҳодиса сифатида қаралади. Ижтимоий муҳитда шахснинг статуси билан боғлиқ ҳолатлар, шахсни ўраб турган ижтимоий вазиятлар, жумладан раҳбарлик (ўз қўл остидагиларга нисбатан) вазифаси ҳам субъектда агрессив ҳолатнинг содир бўлишига олиб келади.

4. Ижтимоий вазиятда шахснинг жинс билан боғлиқ хусусиятлар ҳам эмоционал агрессивлик вазиятларни юзага келтиради. Мазкур агрессивлик жинсий статусдаги доминатлик, яъни жисмонан доминант шахснинг (эркак) жисмоний заиф (аёл) субъектга нисбатан тажоввузкорлиги орқали юзага келади.

Умумий планда мазкур ишда эмоционаллик билан боғлиқ ҳолатларнинг фақатгина агрессив жараёнлари билан боғлиқ бўлган жиҳатларига эътибор қаратиш ишнинг устувор жиҳатларидан бири ҳисобланади. Нафрат, ғазаб, ҳақорат каби эмоционал концептларнинг ривожланиши ўз навбатида коммуникантлар ўртасидаги агрессивлик ҳолатларни биринчи омили бўлиб хизмат қилса, вазиятдаги иккинчи жараён субъектлар орасидаги

муносабатнинг вербал кўриниши ҳамда учинчи кулминацион босқич
конфликт томонлар ўртасидаги физиологик контактга олиб келади.

ХУЛОСА

Агрессивлик ҳолати конфликтли вазиятларда содир бўладиган ва коммуникантларнинг муносабатлари орқали юзага келади. Мазкур ишда коммуникатив жараёнда, диологик нутқларда содир бўладиган агрессивлик ҳолатлари ва уларнинг вербаллашуви лингвистик объект сифатида таҳлил этилди.

Коммуникатив жараёнда юз берадиган эмоционал вазият агрессив ҳолатлар нутқ актларининг вербал ифодаланиши орқали амалга оширилади.

Коммуникатив диологик нутқ жараёнларидаги агрессивлик ўз ичига коммуникантларнинг турли кайфиятлари, муносабатлари, психоэмоционал ҳолатлари асосида курилади. Психо-эмоционал ҳолат коммуникантларнинг нутқ жараёнида содир бўладиган ўзаро салбий муносабати орқали юзага келади.

Агрессив ҳолат коммуникантлар ўртасида вербал шаклда юзага келади ва ушбу мулоқат нутқ вазиятининг ижобий кайфиятда давом этиш жараёнини бузади.

Агрессивлик шахсларда турлича шакланган бўлади. Бу борада психологик олимлар инсон характерларини тадқиқ қилиш жараёнида уларни турларга ажратишади. Мазкур хусусиятлар инсон темпераментига боғлиқ ҳол дейиш мумкин. Эмоционал агрессия вазиятга қараб, шахснинг темпераментига қараб турлича кўринишларда юзага чиқади ва ифодаланади.

Агрессивликнинг ифодаланишини аниқлашда ўзига хос лингвистик моделлар излаб чиқилди. Ушбу моделларда агрессивлик семантикаси асосан равиш, отли бирикмалар ва шунингдек феъл семантикаси орқали амалга оширилади. Агрессивлик фақатгина тил компонентларининг қўлланилиши, структурал хусусиятига боғлиқ бўлиб қолмасдан, коммуникатлар ўртасидаги мулоқат жараёнидаги интонацион жиҳатларга боғлиқ ҳолда юзага келади. Юқорида таъкидланиб ўтилганидек, агрессия субъектлар ўртасидаги мулоқотнинг салбий маҳсули сифатида субъектлар онгида пайдо бўладиган психо-эмоционал жараёнларнинг кулминацион нуқтаси ёки контактли

ХУЛОСА

Агрессивлик ҳолати конфликтли вазиятларда содир бўладиган ва коммуникантларнинг муносабатлари орқали юзага келади. Мазкур ишда коммуникатив жараёнда, диологик нутқларда содир бўладиган агрессивлик ҳолатлари ва уларнинг вербаллашуви лингвистик объект сифатида таҳлил этилди.

Коммуникатив жараёнда юз берадиган эмоционал вазият агрессив ҳолатлар нутқ актларининг вербал ифодаланиши орқали амалга оширилади.

Коммуникатив диологик нутқ жараёнларидаги агрессивлик ўз ичига коммуникантларнинг турли кайфиятлари, муносабатлари, психоэмоционал ҳолатлари асосида қурилади. Психо-эмоционал ҳолат коммуникантларнинг нутқ жараёнида содир бўладиган ўзаро салбий муносабати орқали юзага келади.

Агрессив ҳолат коммуникантлар ўртасида вербал шаклда юзага келади ва ушбу мулоқат нутқ вазиятининг ижобий кайфиятда давом этиш жараёни бузади.

Агрессивлик шахсларда турлича шаклланган бўлади. Бу борада психологик олимлар инсон характерларини тадқиқ қилиш жараёнида уларни турларга ажратишади. Мазкур хусусиятлар инсон темпераментига боғлиқ ҳол дейиш мумкин. Эмоционал агрессия вазиятга қараб, шахснинг темпераментига қараб турлича кўринишларда юзага чиқади ва ифодаланади.

Агрессивликнинг ифодаланишини аниқлашда ўзига хос лингвистик моделлар излаб чиқилди. Ушбу моделларда агрессивлик семантикаси асосан равиш, отли бирикмалар ва шунингдек феъл семантикаси орқали амалга оширилади. Агрессивлик фақатгина тил компонентларининг қўлланилиши, структурал хусусиятига боғлиқ бўлиб қолмасдан, коммуникатлар ўртасидаги мулоқат жараёнидаги интонацион жиҳатларга боғлиқ ҳолда юзага келади. Юқорида таъкидланиб ўтилганидек, агрессия субъектлар ўртасидаги мулоқотнинг салбий маҳсули сифатида субъектлар онгида пайдо бўладиган психо-эмоционал жараёнларнинг кулминацион нуқтаси ёки контактли

вазиятларнинг юзага келиши билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам агрессия эмоционал объектли муносабат сифатида қаралади.

Агрессивлик ўз ифодаланиш жараёнига кўра нутқга кўчиш, субъектнинг ҳатти-ҳаракатлари орқали намаён бўлиши, ҳамда вербал жараён сифатида агрессивликни англатувчи сўзларнинг қўлланилиши ҳамда тана ҳаракатлари, яъни контактли вазиятларга ўтади. Кейинги жараён агрессивликнинг кульминацион нуқтаси ҳисобланади.

Агрессив жараён тасодифан ёки кутилмаганда юзага келиши коммуникантларнинг эмоционал ҳолати, психологик ҳолати ва темпераментига боғлиқ ҳолда ривожланади. Ҳар қандай агрессивликнинг юзага келишида сабаб ётади. Сабаб маълум вақт оралиғида тўпланилган ҳиссиётларнинг юзага чиқиши, яъни нутқга кўчиши, шунингдек субъектнинг рақибига нисбатан доминантлик қилиш мақсадидаги ҳатти-ҳаракатларининг вербал кўринишидир.

Нутқ вазияти	коммуникатив кескинлик	вербал вазият	физик контакт
Асос	эмоционал жараён	вербал вазият	контактли вазият

Агрессивлик ҳолатининг юзага келишида коммуникантлар муносабати, нутқи ва нутқ вазиятида қўллайдиган асосий лингвистик кўрсаткичлар (лексик-семантик ва синтактик семантик) аниқланди. Лексик ҳамда синтактик индикаторлар нутқ вазияти, конфликт вазиятига қараб фарқланади.

Битирув малакавий иши устида олиб борилган изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, агрессивлик конфликтли вазиятда, структурал ва динамик

ифодаланишда, интенционал йўналтирилган мақсадда, сиёсий вазият, ижтимоий ҳолат, доминантлик учун ҳаракат ва бошқа шу каби дискурсларда намаён бўлади.

Жамиятнинг ҳозирги кундаги тараққиёти шарт-шароитида коммуникативли ва конфликтли ва агрессивлик вазиятлар глобал муаммоли ҳодисага айланмоқда. Бу жаҳондаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг кескинлиги, жамиятнинг турли соҳаларидаги кескинлик, халқаро терроризм хавфи каби омиллар билан боғлиқ. Таъкидланган вазиятларнинг, жумладан агрессивликнинг олдини олиш нафақат сиёсий, фалсафий ёки психологик аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, лингвистик нуқтаи назардан ҳам кенгроқ тадқиқотларни талаб этиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алефиренко Н.Ф. Проблемы вербализации концепта. – Волгоград: Перемена, 2003. – 64 с.
2. Антипова А.А. Способы обозначения степени интенсивности эмоционального состояния в русском и итальянском языках. Автореф. дис...канд.филол.наук. М., 2009. 24 с.
3. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – М.: Наука, 1974. – 367 с.
4. Апресян Ю.Д. Избранные труды. Том II. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М.: Языки русской культуры, 1995. – 766 с.
5. Апресян Ю.Д. Перфомативы в грамматике и в словаре // Известия АН СССР. Серия литературы и языка. – 1986. – Т. 45. - №3. - С. 208-223.
6. Бабушкин А.П. Концепты разных типов в лексике и фразеологии и методика их выявления // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж: ВГУ, 2001. – С. 52-57.
7. Валиулина С.В. Средства репрезентации эмоции “страсть” как фрагмента русской языковой картины мира. Автореф. дис... канд. филол. наук. Улан-Удэ. 2006. 20 с.
8. Василюк Ф.Е. Структура образа // Вопросы психологии. 1993. №5. – С. 5-19.
9. Васильев Л.М. Семантические классы глаголов чувства, мысли и речи // Очерки по русскому глаголу. Уфа. 1971. –С 43
10. Вежбицка А. Речевые жанры. // Жанры речи. - Саратов: Изд-во ГосУНЦ "Колледж", 1997. - С. 99-111.
11. Воркачев С.Г. Наполнение концептосферы // Лингвокультурный концепт: типология и области бытования: монография. Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2007. -С. 8-93
12. Воркачев С.Г. Семантизация концепта любви в русской и испанской лексикографии (сопоставительный анализ) // Язык и эмоции: Сб. науч. тр. – Волгоград: Перемена, 1995. – С. 125-132.

13. Воркачѳв С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. 2001. № 1. – С. 64-72.
14. Гак В.К. Проблемы языка и действительности // Иностранные языки в школе. – 1982. - №5. – С. 5-15.
15. Гайсина. Р.М. Лексико-семантическое поле глаголов отношения в современном русском языке. Саратов. 1981. 196 с.
16. Грекова В.Е. Психолингвистический подход к определению базовых эмоций. Вестник. МГОУ. Москва. 2009. –С 9-15
17. Гройсман Л.А. Медицинская психология. – М.: «Аванта», 1995. - 358 с.
18. Дейк Т. А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. - М.: Прогресс, 1989. – 312 с.
19. Добровольский Д.О. Национально-культурная специфика во фразеологии // ВЯ – 1997 – №6. – С. 37-48.
20. Изард К.Э. Эмоции человека. М.: МГУ. 1980. 440 с..
21. Жельвис В.И. Эмотивный аспект речи. Психолингвистическая интерпретация речевого воздействия. - Ярославль: ЯрГУ, 1990. - 157 с.
22. Левитов Н.Д. Психическое состояние агрессии. // "Вопросы психологии", № 6, 1972. - С. 169-172.
23. Карасик В.И., Слышкин Г.Г. Лингвокультурный концепт как единица исследования // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 2001. – С. 75-80.
24. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, Ленинградское отделение, 1972. – 216 с.
25. Колпацикова Ф.К. Русская вербализация эмоциональных состояний на фоне Англо-американской (коммуникативно-ситуативный, лингвокультурный и социокультурный аспекты). Автореф. дис... канд. филол. наук. Новосибирск. 2007. 27 с.

26. Николаева Т.М. О принципе «некооперации» и/или о категориях социолингвистического воздействия. // Логический анализ языка. Противоречивость и аномальность текста. - М.: Наука, 1990. –С.225– 235.
27. Николаева Т.М. От звука к тексту. М.: Школа "Яз. рус. культуры", 2000. 680 с.
28. Падучева Е.В. О параметрах лексического значения глагола: таксономический класс участника /Русский язык в научном освещении.№ 1(3).с 87-112.
- 29.Фрумкина Р.М. Концепт, категория, прототип // Лингвистическая и экстралингвистическая семантика: Сб. обзоров. – М.: ИНИОН, 1992. – С. 28-43.
30. Шмелёв А.Г. Введение в экспериментальную психосемантику. – М.: Изд-во МГУ, 1983. – 157 с.
31. Aneta Pavlenko. Temple University *Pragmatics & Cognition* 10:1/2 (2002), 207-241. ISSN 0929-09071 E-ISSN 1569-9943 © John Benjamins Publishing Company. –P.208-237.
- 32.Erickson F. Talking Down: Some Cultural Sources of Miscommunication in Interracial Interviews // *Nonverbal Behavior. Applications and Cultural Implications*. A.Wolfgang (Ed.). – New York: Academic Press, 1979. – P. 99-126.
- 33.Ervin – Tripp S.M. University of California, Berkeley, California. In: "Norms of Word Association". Edited by L.Postman and G.Keppel. – N.Y. and London. Academic Press, 1970. – P. 383-420.
- 34.Fillmore Ch.J., Kay P., O'Connor C. Regularity and Idiomaticity in Grammatical Constructions: The Case of Let Alone. – *Language* 64. – P. 501-538.
- 35.Fillmore Ch.J., Atkins B.T. Toward a frame-based lexicon: The semantics of RISK and its neighbors // *Frames, Fields, and Contrasts* // Lehrer A., Kittay E., eds. Hillsdale, – N.Y.: Lawrence Erlbaum Assoc., 1992. – P. 75-102.

36. Lakoff G. Embodied Minds and Meanings // Speaking Minds: Interviews with Twenty Eminent Cognitive Scientists. / Baumgartner P. & S. Payr. (Eds.). – Princeton, NJ, 1995. – P. 115-130.
37. Langacker R. A View of Linguistic Semantics. – Rudzka – Ostyn, 1988. – P. 49-89.
38. Rosaldo, M. 1984. "Toward an anthropology of self and feeling" . In R. Shweder and R. LeVine (eds), 137-157.

Лингвистический энциклопедический словарь 1990: 412

1. Longman Lexicon of Contemporary English. – Tom McArthur, Longman, 1981. – 910 p.
2. NTC's American Idioms Dictionary. – М.: Рус. яз., 1991. Ричард А. Спирс. – 464 с.
3. Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English. A.S.Hornby with A.P.Cowie, A.C.Gimson. – Oxford University Press, 1980. – 1037 p. (OALD).
4. Ridout R., Witting C. English Proverbs Explained. – London: Pan Books, 1969. – 223 p.
5. Roget's Thesaurus of English words and Phrases. Ed. by R.A.Dutch. – Harmondsworth: Penguin, 1979. – 712 p.
6. Simpson J. The Concise Oxford Dictionary of Proverbs. – Oxford: Oxford University Press, 1985. – 256 p.
7. The BBI Combinatory Dictionary of English. M.Benson, Evelyn Benson, Robert Ilson. – М.: Рус. яз., 1990. – 286 с.
8. The Everyman Roget's Thesaurus of English words and phrases. – London, The Everyman edition, 1982. – 1350 p.
9. The Merriam-Webster Thesaurus. – Merriam-Webster Inc., Publishers, 1989. – 652 p.